

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АКТАМОВ БЕКЗОД УКТАМОВИЧ

**ГИС ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА СЕЙСМИК РИСКНИ
РЕГИОНАЛ ДАРАЖАДА БАҲОЛАШНИНГ КАРТОГРАФИК
МОДЕЛИ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

04.00.04 - Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Актамов Бекзод Уктамович

ГИС технологиялари асосида сейсмик рискни регионал
даражада баҳолашнинг картографик модели
(Жиззах вилояти мисолида)3

Актамов Бекзод Уктамович

Картографическая модель оценки сейсмического
риска регионального уровня с использованием
ГИС-технологий (на примере Джизакской области).....21

Aktamov Bekzod Uktamovich

Cartographic model of regional seismic risk
assessment on the basis of gis technologies
(on the example of Jizakh region)39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

АКТАМОВ БЕКЗОД УКТАМОВИЧ

**ГИС ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА СЕЙСМИК РИСКНИ
РЕГИОНАЛ ДАРАЖАДА БАҲОЛАШНИНГ КАРТОГРАФИК
МОДЕЛИ (ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

04.00.04 - Гидрогеология ва муҳандислик геологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/Т1411 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Сейсмология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.hydroengeo.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исмаилов Вахитхан Алиханович
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Джуманов Жамолжон Худайкулович
техника фанлари доктори, профессор

Алибегов Иззет Каллиевич
техника фанлари доктори

Етакчи ташкилот:


Ислом Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети


Диссертация химояси Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти ҳузуридаги DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» июнь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru.


Диссертация билан Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти кутубхонасида танишиш мумкин (49-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100041, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64 уй. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru


Диссертация автореферати 2021 йил «17» июнь куни тарқатилди.

(2021 йил «18» май кунисидаги 04 рақамли реестр баённомаси).


А.А. Мавлонов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси ўринбосари, г.-м.ф.д.


М.Р. Жўраев
Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби,
г.-м.ф. буйича фалсафа доктори(PhD)


И.Х. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи
бир марталик Илмий кенгаш қошидаги
бир марталик илмий
семинар раиси, т.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сейсмик фаол ҳудудларда кучли зилзилалар натижасида юзага келиши мумкин бўлган талафотларни прогноз қилиш ва зилзила оқибатларини камайтириш масалалари муҳим аҳамият касб этади. Бу борада сейсмик рискни мажмуавий изланишлар орқали баҳолаш ва белгиланган муддатларда прогноз қилиш, зилзила оқибатларини камайтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зилзила таъсирида кутиладиган иқтисодий талафотларни баҳолаш тадқиқотлари сейсмик хавфи юқори бўлган давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий, барқарор ривожланишга хизмат қилади.

Дунёда сейсмик рискни баҳолаш билан боғлиқ бўлган қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада жумладан, турли миқёсдаги ҳудудларнинг сеймотектоник ва сейсмологик моделларни яратиш, уларни грунт шароитларини ҳисобга олган ҳолда сейсмик хавфини баҳолаш, кучли зилзилаларда бино ва иншоотларни шикастланиш даражаларини аниқлаш услубиятини такомиллаштириш ва уларни конструктив тури бўйича заифлик функцияларини тузиш, сейсмик тебранишларда “грунт-иншоот” тизимининг ҳаракатланиш моделларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизнинг сейсмик фаол ҳудудларида регионал ҳудудлар учун сейсмик рискни баҳолаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан Тошкент, Жиззах ва Бухоро шаҳарлари ҳудудларининг сейсмик rischi турли мукамал даражада баҳоланган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «...одамларнинг экологик хавфсиз муҳитда яшашини таъминлаш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, сейсмик хавф, грунт шароитлари, бўлиши мумкин бўлган сейсмик таъсирлар, сейсмик жадаллик орттирмаси, кучли зилзилаларнинг масофа бўйича сўниш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда сценарли зилзила асосида регионал ҳудудларда сейсмик riskини баҳолаш муҳим илмий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон «Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» фармонлари, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 30 июлдаги ПҚ-4794-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони.

тадбирлари тўғрисида»ги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII «Ер ҳақидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёни қайта ишлаш)» устувор йўналиши талабларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда «сейсмик риск» ибораси турлича талқин қилинган. 2001 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг UNDRO (United Nations Disaster Relief Organization) ташкилоти томонидан киритилган таърифга кўра, сейсмик риск - ҳудуднинг эҳтимоли юқори бўлган сейсмик хавфни, қурилиш ва табиий объектларнинг сейсмик заифлигини ҳисобга олган ижтимоий-иқтисодий эҳтимолий зарар деб ҳисобланади. Бу берилган таъриф жаҳоннинг кўпчилик давлатлари томонидан тан олинмоқда ва қўллаб қувватланмоқда.

Сейсмик рискни баҳолаш илмий тадқиқотлари ўтган асрнинг 70-90 йилларида фаол ривожланган. Бунинг асосий сабаби, 1971 йилги магнитудаси $M=6,5$ бўлган кучли Сан-Фернандо (АҚШ) zilzilаси билан боғлиқ. Ушбу zilzilадан сўнг етказилган иқтисодий зарарни қоплай олмай кўпгина суғурта компаниялари инқирозга учраган. Шу даврда АҚШда мақсадли илмий марказлар ташкил қилинган ва сейсмик рискни илк бор прогноз қилиш усуллари ишлаб чиқиладиган бошланган. Бунда R.V.Whitman, D.C.Friedman, I.M.Idriss, C.S.Oliveira, H.C.Shah ва бошқаларнинг хизматлари катта ҳисобланади.

Сейсмик рискни баҳолашнинг илмий-методологик ва амалий жиҳатларини M.Lu, N.Mert, K.Hasegawa, H.Nayashi, M.I.Carreno, G.Gruntal, J.Zschau, В.И.Осипов, С.К.Шойгу, В.А.Ларионов, Г.Л.Кофф, В.Г.Алказ, М.А.Шахраманян, В.Б.Заалишвили, Е.Н.Черных, Ю.К.Чернов, Т.Р.Рашидов, Ш.А.Хакимов, К.Н.Абдуллабеков, С.А.Тягунов, С.Н.Назаретян, Н.Г.Мавлянова, В.А.Исмаилов, Ш.И.Ёдгоров ва бошқалар тадқиқ қилишган.

Ўзбекистон Республикаси ФА Сейсмология институтида 2000 – 2008 йиллари Н.Г.Мавлянова, Р.Ш.Иногамов ва А.Б.Павловлар томонидан регионал геологик-геофизик ва тарихий-демографик хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда сейсмик рискни ташкил қилувчи омиллар белгиланган ва уларнинг ҳар бирининг ўрни баҳоланган. 2016-2017 йиллари С.С.Хусомиддинов, В.А.Исмаилов, В.А.Рафиқов ва бошқалар томонидан сейсмик рискни шаҳарлар ҳудудида баҳолаш ва районлаштириш технологиялари ишлаб чиқилган. Сейсмик рискни турли даражада баҳолашнинг муҳандис-сейсмологик асослари В.А.Исмаилов томонидан 2019 йили яратилган. Бухоро шаҳри мисолида сейсмик рискни муҳандис-геологик шароитларини ҳисобга олган ҳолда баҳолашнинг методикаси Ш.И.Ёдгоров томонидан 2020 йили ишлаб чиқилган.

Ўтган даврда жуда кўп муҳим илмий ва амалий натижалар олинганлигига қарамай, бу соҳада ҳал қилинмаган қатор муаммолар мавжуд. Сейсмик рискни регионал миқёсида баҳолаш, уларнинг картографик моделларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар тўлиқ таҳлил қилинмаган ва илмий методик асослари яратилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Сейсмология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И8-ФА-Т004 «Сейсмик рискни баҳолаш ва районлаштириш технологияси» (2016-2017 й.й.), №ПЗ-20170928253 “Кучли зилзилалар содир бўлганда фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Давлат тизимининг самарали чора-тадбирлар сценарийсини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади регионал ҳудудларнинг сейсмик рискни иқтисодий кўрсаткичларда баҳолашнинг картографик моделини ГИС технологиялар асосида ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тадқиқот ҳудудида сейсмик хавфни детерминистик ва эхтимолий ёндашув асосида грунт шароитларни ҳисобга олган ҳолда регионал миқёсда баҳолаш;

Жиззах вилояти ҳудудидаги қурилган бино-иншоотларнинг муҳандислик кўрсаткичлари бўйича турларга ажратиш ва улар учун маълумотлар базасини яратиш;

тадқиқот ҳудудидаги қурилган бино-иншоотларни конструктив турлари бўйича «GESI_Program» компьютер дастурини қўллаган ҳолда шикастлвниш даражасини ва заифлик функциясини аниқлаш;

ГИС технологиясидан, компьютер дастурлардан, тўпланган фонд, картографик, таҳлилий маълумотлардан фойдаланган ҳолда ўрганилаётган ҳудуднинг кучли зилзилалар талафотларини баҳолашнинг картографик моделини яратиш;

Сценарли зилзила таъсирида регионал миқёсда сейсмик рискни баҳолаш;

Кучли зилзилаларда маҳаллий бошқарув органлари ва тезкор қутқарув отрядларининг ҳаракатланиш функцияларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилояти ҳудудининг сейсмик фаол зоналарида жойлашган аҳоли пунктлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини регионал миқёсдаги сейсмик хавф, сейсмик таъсирлар ва сейсмик рискни баҳолаш услубияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида ГИС дастурининг махсус таҳлил платформаларидан, «SEISMHAZARD_UZ» ва «SeismicRiskAssessment» мажмуавий дастурларидан, Жиззах вилоятидаги ҳар хил турдаги биноларнинг шикастланиш даражасини баҳолашда «GESI_Program» дастуридан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

сейсмик хавф регионал миқёсда сейсмик тебранишнинг сўнишини ва грунт шароитни ҳисобга олган ҳолда детерминистик ва эҳтимолий ёндашувлар асосида миқдорий баҳоланган;

тадқиқот ҳудудида қурилган биноларнинг муҳандис кўрсаткичлар асосида маълумотлар базаси яратилган ва «GESI_Program» компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда биноларнинг турли конструктив турлари бўйича сейсмик заифлик функциялари аниқланган;

ГИС технологияси асосида регионал миқёсдаги ҳудудларнинг сейсмик рискни баҳолашнинг картографик моделлари ишлаб чиқилган ва улар асосида эҳтимоли юқори бўлган кучли зилзила талафотларини иқтисодий кўрсаткичларда аниқлашнинг тезкор автоматлаштирилган компьютер дастури «SeismicRiskAssessment» яратилган;

илк бор Жиззах вилояти мисолида эҳтимоли юқори бўлган сценария зилзиласи оқибатида вужудга келадиган бевосита талафотлар иқтисодий кўрсаткичларда «SeismicRiskAssessment» компьютер дастури асосида баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«GESI_Program» дастуридан фойдаланган ҳолда Жиззах вилоятида қурилган барча биноларнинг конструктив турлари бўйича кучли зилзилаларда шикастланиш даражалари аниқланган;

Жиззах вилояти ҳудуди учун грунт шароитини ҳисобга олган ҳолда турли даврларда бўлиши эҳтимоли бўлган зилзилаларнинг максимал сейсмик тебраниш даражаси макросейсмик балларда ва максимал тезланишларда (PGA) баҳоланган;

Жиззах вилояти ҳудудидаги аҳоли пунктлари (вилоят, туман, шаҳар, маҳаллалар) кесимида биноларнинг конструктив турлари бўйича турли сейсмик жадалликларда (6, 7 ва 8 баллик) вужудга келиши мумкин бўлган бевосита талафотларни миқдорий баҳолаш учун маълумотлар базаси яратилган;

эҳтимолий, кучли зилзилалар ($M \geq 5,0$) содир бўлганда Жиззах вилоятида кутиладиган талафотлар автоматлаштирилган компьютер дастури «SeismicRiskAssessment» асосида, иқтисодий кўрсаткичларда баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий тадқиқотнинг асосий натижалари кўчмас мулк объектлари кадастр маълумотлар базасини замонавий компьютер дастурлари таҳлили ёрдамида олинган. Жиззах вилояти ҳудудидаги 388 та аҳоли яшаш пунктларидаги 194862 та бино ва иншоотларнинг кадастр материалларини аналитик таҳлиллари натижаларига таянганлиги билан асосланади. Шунингдек, ҳудуднинг сейсмиклик ҳолати ва кучли зилзилаларнинг тарқалиш қонуниятлари, грунт шароитини амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ муҳандис геологик таҳлилларни замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали таъминланганлиги, бевосита реал зилзилага тест режими жараёнида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти регионал миқёсдаги кучли zilзила талафотларни аниқлашнинг ГИС технологиялари асосида Жиззах вилояти ҳудуди мисолида илк бор ишлаб чиқилган картографик моделлари, шунингдек, «SeismicRiskAssessment» компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда сценария zilзиласи оқибатида вужудга келадиган бевосита талафотларни иқтисодий миқдорини баҳолашнинг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган сейсмик рискни баҳолаш методикаси ва картографик моделдан фойдаланган ҳолда Жиззах вилояти ҳудудидаги аҳоли пунктлари (вилоят, туман, шаҳар, маҳаллалар) кесимида биноларнинг турлари бўйича турли сейсмик жадалликларда (6, 7 ва 8 баллик) вужудга келадиган талафотларни баҳолаш, ҳамда етказиладиган зарарларни камайтириш чора-тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш орқали ҳудудларни хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиззах вилояти ҳудудида сейсмик рискни баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

турли сейсмик жадаллик таъсирида (6, 7 ва 8 баллик) барча аҳоли пунктларидаги бино-иншоотларнинг конструктив типлари бўйича бевосита талафотлари баҳоланган жадвали Фавқулудда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий этилган (Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 2/4/32-177-сон маълумотномаси). Натижада, Жиззах вилояти ҳудуднинг сейсмик хавфсизлигини таъминлашда устивор йўналишларини аниқлаш имконини берган;

ГИС технологияси асосида регионал миқёсдаги ҳудуд сейсмик рискни баҳолаш учун ишлаб чиқилган картографик моделлари Фавқулудда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий этилган (Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 2/4/32-177-сон маълумотномаси). Натижада, Жиззах вилояти ҳудудининг сейсмик рискни баҳолашга оид картографик маълумотлар базасини яратиш имконини берган;

эҳтимолий юқори бўлган кучли zilзилалар ($M \geq 5,0$) содир бўлганда регионал миқёсдаги талафотларни аниқлашнинг ГИС технологиялар асосида ишлаб чиқилган тезкор автоматлаштирилган комплекс Фавқулудда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий этилган (Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 2/4/32-177-сон маълумотномаси). Натижада, «SeismicRiskAssessment» дастури регионал миқёсида сейсмик рискни тезкор баҳолаш имконини берган;

Жиззах вилояти мисолида сценарий zilзиласи оқибатида вужудга келадиган бевосита талафотларни «SeismicRiskAssessment» комплекс дастури асосида ҳисобланган иқтисодий миқдорлари Фавқулудда вазиятлар вазирлигида амалиётга жорий этилган (Фавқулудда вазиятлар вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 2/4/32-177-сон маълумотномаси). Натижада, олинган

иқтисодий маълумотлар қутқарув ишларини самарали режалаштиришга ҳисса қўшиш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 12 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик PhD диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 125 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида, ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Сейсмик рискни таърифи ва омиллари**» деб номланган биринчи бобида сейсмик рискни баҳолаш услубларини ривожланиши, сейсмик рискни баҳолашнинг замонавий ёндашуви, сейсмик рискни ташкил этувчи омиллар тўғрисида маълумотлар берилган.

Ҳозирги вақтда кучли zilzila оқибатларини узоқ муддатли прогнозлашнинг асосий имконияти мавжуд. Хусусан, белгиланган ҳудудлар ва биноларнинг сейсмик хавфсизлигини, иншоотларнинг сейсмик таъсирга бўлган чидамлилигини баҳолаш мумкин ва бунинг натижасида zilzilадан кейинги урбанлашган ҳудудларнинг ҳолатини прогнозлаш мумкин.

Бундай прогноз асосида эса, ўз навбатида, zilzila оқибатларини юмшатиш ва камайтириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, сейсмик фаол майдонлардаги урбанлашган ҳудудларни ривожлантиришда режалаштириш қарорларини асослаш мумкин. Шу жиҳатдан, урбанлашган ҳудудларда сейсмик рискни баҳолаш ва районлаштириш жуда долзарб вазифа ҳисобланади. Замонавий адабиётларга кўра, сейсмик риск - бу кучли zilzilанинг турли хил эмперик кўринишини акс эттирадиган мураккаб миқдор ҳисобланиб, узоқ муддатни назарда тутувчи иқтисодий, экологик ва ижтимоий оқибатларни ўзида акс эттира олади.

Сейсмик рискнинг асосини ҳудудда бўлиши мумкин бўлган сейсмик хавфни ҳамда қурилиш ва табиий объектларнинг (бинолар ва

инфраструктура тури, қурилиш объектларининг сифати, аҳоли зичлиги, кўчки, сел, экология ва бошқалар) заифлигига мувофиқ бўлиши мумкин бўлган зилзилаларнинг эҳтимолий ижтимоий-иқтисодий зарарини илмий баҳолаш концепцияси ташкил қилади. Аҳоли яшаш пунктларидаги бино ва иншоотларнинг сейсмик заифлиги ҳамда сейсмик хавфларнинг баҳолаш натижасида сейсмик риск хариталарини тузиш, шунингдек улар асосида объектларнинг баланс қиймати асосида кутилаётган зарарни маблағ ҳисобида баҳолаш мумкин.

Дунёда сейсмик рискни баҳолаш бўйича мавжуд бўлган ёндашувларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг барчаси битта умумий принципга асосланган – рискни аниқлашда турли омилларни ажратиб турадиган йирик кўп ўлчамли маълумотлар базасига эга бўлиши керак.

Буларга: турли эҳтимоллик давлар учун тузилган, сейсмик хавфнинг прогноз маълумотларини берувчи сейсмик хариталар комплекси; сейсмик хавфни баҳолашда муҳим рол ўйнайдиган локал грунт шароитнинг эффектлари, шунингдек, чуқур ер ёриқлар жойлашган ҳудудларнинг сейсмик жихатдан ўзгарувчанлиги, тоғ жинсларининг дарзланиши, кўчкилар, грунтларнинг сувга тўйиниши ва уларни ер юзасига яқинлиги ва б.к.; ўта муҳим объектлар, бино ва иншоотларнинг турли хил конструктив типлари бўйича шикастланиши ва зилзилаларга нисбатан заифлиги; аҳоли сони ва зичлиги; турли сценарли зилзила оқибатидаги талафотлар хажми; рискни баҳолашда қатнашадиган ижтимоий-иқтисодий маълумотлар ва бошқалар киради.

Натижада, турли хил омилларни белгиловчи риск потенциали даражалари аниқланади ва ГИСда харита тузилади.

Ўтган даврда жуда кўп муҳим илмий ва амалий натижалар олинганлигига қарамай, бу соҳада ҳал қилинмаган қатор муаммолар мавжуд. Сейсмик рискни шаҳар ва регионал ҳудудлар бўйича реал зилзила учун баҳолаш ва уларнинг хариталашда тадқиқотлар тўлиқ таҳлил қилинмаган ва илмий методик асослари яратилмаган. Шулардан бири бўлиб, сейсмик рискни баҳолашда сейсмик хавфни детерминистик ва эҳтимолий ёндашувлар асосида аниқлаш, ҳамда турли даражадаги сейсмик таъсирларни грунт шароитини ҳисобга олган ҳолда ва моделлаштириш ҳисобланади. Кучли зилзилаларнинг оқибатларини таҳлил қилиш натижасида аҳолига ва атроф-муҳитга бўладиган таъсирларини ўрганиш, ҳамда турли катталиқдаги зилзилалар содир бўлганда биноларнинг шикастланиш сабабларини амалий баҳолаш, талафотлар хажмини прогноз қилиш билан боғлиқ масалалар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертациянинг «**Жиззах вилояти ҳудудининг сейсмик хавфини грунт шароитини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ҳудудида сейсмиклигининг тавсифи, зилзилаларнинг такрорланувчанлик кўрсаткичлари, ҳудуднинг сейсмик потенциали (M_{max}), тадқиқот ҳудуди учун зилзиланинг вақт бирлиги ва масофа бўйича макросейсмик кўрсаткичларда сўниш хусусиятлари, Жиззах вилоятининг

муҳандислик-геологик шароитларининг хусусиятлари ва уларни типизацияси тавсифланган.

Жиззах вилоятининг сейсмик ҳолати шу ҳудудда жойлашган регионал чуқур ер ёриқлари Бесапан-Жанубий Фарғона, Жанубий Ауминзатау, Шимолий Кульждуктау-Зарафшон ва Жанубий Туркистон билан боғлиқ. Бу ер ёриқлар ҳозирги вақтда фаол бўлганлиги сабабли Жанубий Фарғона, Бесапан-Шимолий Нурота, Моголтау-Писталитау ва Кулджуктау-Туркистон сейсмоген зоналарни ташкил қилади. Ушбу зоналарда кучли зилзила ўчоғлари жойлашган бўлиб, уларнинг батафсил тавсифи ва ҳозирги босқичида ҳаракатланиши, ривожланиши ва сейсмик фаоллик даражаси Р.С.Ибрагимов, У.А.Нурматов ва Ю.М.Содиқовлар томонидан тадқиқ қилинган ва аниқланган.

Сўнгги 50 йил ичида кучли зилзилалар орасида аҳамиятлиси 1984-йилда Жиззах вилоятининг марказий қисмида содир бўлган Ғаллаорол зилзиласидир. Унинг магнитудаси $M=5,2$ бўлиб, максимал сейсмик эффементи 7 баллни ташкил қилган. Кучли зилзилардан яна бири 2013 йил Жиззах вилоятини жанубида $M=6,2$, жадаллиги бўйича 8 баллни ташкил қилган Маржонбулоқ зилзиласидир. Ушбу ҳудудда энг кучли зилзилалар 1897 йил Ўра-тепа атрофида содир бўлган. Шуниси аҳамиятлики, ушбу ҳудудда бир йилда $M=6,6$ ва $M=6,7$ магнитудали зилзилалар содир бўлган.

Маълумотларнинг таҳлили асосида, Т.У.Артиков, Р.С.Ибрагимов (1988й.) ва бошқалар томонидан магнитуда: Жанубий Фарғона сейсмоген зонаси учун $M_{\max}=6,5$; Бесапан-Шимолий Нурота учун $M_{\max}=6,1$; Шимолий-Кулджуктау-Туркистон учун $M_{\max}=6,7$ га тенг қийматларда баҳоланди. Жиззах вилояти ҳудудининг сейсмик потенциали сейсмоген ва сейсмологик кўрсаткичлари мажмуасига кўра $M_{\max}=5,5-6,5$ ташкил қилади.

Сейсмик хавфни локал ҳудудлардаги қийматига, шу ҳудуднинг муҳандис-геологик шароити катта таъсир этади. Жиззах вилояти ҳудудида сейсмик жадаллик орттирма қийматини аниқлаш учун муҳандис-геологик аналогик усулидан фойдаланган ҳолда вилоят ҳудуди турларга ажратилди. Бунда асосий омиллар сифатида рельефни қиялиги, 10 метр чуқурликдаги литологик қирқим, ер ости сув сатҳи ва муҳандис-геологик жараёнлар намоён бўлганлиги ҳисобга олинган.

Юқоридаги омилларни инобатга олган ҳолда Жиззах вилоятида муҳандис-геологик шароити бўйича 7 та турлар ажратилган:

I тур – ушбу ҳудуд асосан, метаморфик, магматик ва чўкинди қоятош грунтлардан ташкил топган. Ер ости сувлари ёриқларда учрайди ва 60 м гача чуқурликда кенг тарқалган. Муҳандислик-геологик ва сейсмик хусусиятларга кўра, қоя тоғ жинсларига тегишли бўлиб, сейсмик жадаллик орттирмаси -1 баллни ташкил қилади.

II тур – бу ётқиқларнинг литологик таркиби тоғ жинсларининг физик нураш маҳсулотлари бўлган шебен, дресва ва қумлардан иборат, уларнинг устки қисмида юпқа супес ётқиқлар билан қопланган. Ер ости сувлари

вақтинчалик оқим хусусиятига эга. Муҳандислик-геологик шарт-шароитларга кўра, ажратилган ҳудуд сейсмик жадаллик орттирмаси 0 балл.

III тур – қалинлиги 30 м гача бўлган тўртламчи делювиал-пролювиал ҳосилалар билан ифодаланади. Ушбу қатлам лёссимон тоғ жинслар, қумлар ва дресва-қумли қатламларнинг алмашилиб келиши кузатилган. Ер ости сувлари 20 мдан ортиқ чуқурликда. Бу типдаги грунтлар тарқалган ҳудудида йирик бўлакли грунтларнинг қалинлигига қараб сейсмик жадаллик орттирмаси 0 дан +1 баллгача ўзгаради.

IV тур – бу тур тоғ олди текисликлари ва Мирзачўл платоси орасидалиғида чегараланади. Асосан қалинлиги 50-70 м бўлган пролювиал лёсс жинслар билан ифодаланган. Ер ости сувлари рельефга қараб 5-10 м чуқурликда ётади, баъзи ҳудудларда ер юзасига яқин тарқалган. Бу майдонларда сейсмик жадаллик орттирмаси грунтларни сейсмик хоссаларига қараб 0 дан +1 баллгача ўзгаради.

V тур – пролювиал лёсс текисликлари, Мирзачўл лёсс текислик ичида кенг тарқалган. Тўртинчи типдан фарқли равишда грунт сувлари ер юзига жуда яқин тарқаган. Бу интенсив суғориш натижасида ҳудуднинг сув босиши жараёни билан боғлиқ. Сейсмик жадаллик орттирмаси +1 балл.

VI тур – Сирдарё оқимининг аккумулятив фаолияти натижасида ҳосил бўлган пасттекислиги доирасидаги аллювиал-пролювиал лёсс текисликлари. Грунт сувлари 5 м гача чуқурликда ётади, баъзан 7-10 м. Айдаркўл кўли яқинида ботқоқликлар кузатилади. Лёссли жинсларнинг қалинлиги 70 м гача. Сейсмик жадаллик орттирмаси +1 балл.

VII тур – бу тип Ғаллаорол депрессиясининг шарқига ўтиб Сангзор дарёсининг замонавий водийсини эгаллайди. Дарё ўзанида қалинлиги 10 м гача бўлган харсангтош-шағалтошли ётқиқиқлар билан ифодаланади. Ҳудуднинг сейсмик жадаллик орттирмаси 0 ва -1 баллни ташкил этади.

Шундай қилиб, муҳандислик-геологик шароитларнинг ҳисобга олган ҳолда Жиззах вилояти ҳудудида 6, 7 ва 8 баллдаги ва локал майдонларда 9 баллдаги сейсмик хавф намаён бўлиши аниқланди ва ажратилди.

Диссертациянинг «**Сейсмик рискни регионал даражада баҳолаш методологияси**» деб номланган учинчи бобида сейсмик хавфни регионал ҳудудларда сейсмик тебранишларни сўниш ва грунт шароитини ҳисобга олган ҳолда детерминистик ва эҳтимолий ёндашув асосида баҳолаш, ҳудудда қурилган биноларнинг сейсмик заифлиги ва кучли zilзилаларда талафотланиш даражасини аниқлаш, сейсмик рискни баҳолаш билан боғлиқ бўлган омилларни, яъни сейсмологик, муҳандис-геологик, бино-иншоотларни муҳандислик ва иқтисодий кўрсаткичлари бўйича тўпланган маълумотларни қайта ишлаш, бошқариш ва таҳлил қилиш усуллари тавсифланган.

Сейсмик рискни регионал даражада баҳолаш методологияси қуйидаги тадқиқотларга асосланади:

1. Сейсмик хавфни регионал миқёсда сейсмик тебранишларни сўниши ва грунт шароитини ҳисобга олган ҳолда детерминистик ва эҳтимолий ёндашув асосида баҳолаш.

Регионал ҳудуднинг сейсмик хавфини баҳолашда одатда детерминистик ва эҳтимолий ёндашувлар асосида таҳлил қилинади ва баҳоланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудининг сейсмик хавфини эҳтимолий ёндашувида баҳолаш услублари Т.У.Артиков, Р.С.Ибрагимов, А.Х.Ибрагимов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «SEISMHAZARD_UZ» мажмуавий дастур асосида ҳудуднинг турли даврларда эҳтимоли бўлган зилзилаларнинг максимал сейсмик тебраниши баҳоланди. Бунда 500, 1000 ва 2500 йиллар даврида эҳтимоли бўлган сейсмик таъсирининг максимал қийматлари ҳисобланди.

Детерминистик ёндашув асосида сейсмик хавфни баҳолашда ҳудудда содир бўлиши мумкин бўлган юқори магнитудали зилзилалар инобатга олинади. Ҳозирги кунда сейсмик рискни баҳолашда А.А.Гусев, Л.С.Шумилина, К.Н.Акатова томонидан детерминистик ёндашув асосида аниқланган сейсмик хавф «неодетерминистик» ёки «зилзила сценарияси» деб қўлланилмоқда.

Содир бўлган кучли зилзилаларнинг сейсмик эффеқтини баҳолаш инструментал ва макросейсмик тадқиқотлар асосида амалга оширилади. Албатта ҳар бир зилзила ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Аммо уларни умумлаштирадиган қонуниятлар бор. Аниқланган қонуниятларга таянган ҳолда сейсмик тебраниш кўрсаткичларни грунт шароитига қараб масофа бўйича сўнишини баҳолаш, бино ва иншоотларни талафотланиши даражасини прогноз қилиш имконини беради.

2. Турли конструкциядаги бино ва иншоотларни сейсмик заифлиги ва уларни кучли зилзилалар натижасида талафотланиш даражасини баҳолаш.

Жиззах вилояти аҳоли пунктлари ва шаҳарларидаги мавжуд бинолар кадастр маълумотлар бўйича (194862 та) таҳлил қилиб, барча қурилган бинолар қурилишда қўлланилган материаллар ва конструктив турларига қараб тўрт гуруҳга бўлинган:

А) тури - маҳаллий қурилиш материалларидан (гувалак, хом ғишт ва пахса) қурилган якка тартибдаги уйлар.

Б) тури - маъмурий, ижтимоий, якка тартибдаги ва кўп қаватли бинолари, пишиқ ғишдан (2 қаватгача бўлган) қурилган.

В) тури - ёғочлардан қурилган маъмурий, ижтимоий ва турар-жой бинолари (ёғоч уйлар, ёғоч рамка билан қурилган шахсий уйлар - «шитли»).

С) тури - маъмурий, ижтимоий ва турар-жой бинолари, антисейсмик чоралар (2 қаватдан кўп) ёрдамида қурилган темирбетон конструкцияли бинолар.

Ҳар бир ажратилган гуруҳ бўйича биноларнинг сейсмик заифлик функциялари ва шикастланиш даражаси аниқланди.

3. Ҳудуднинг сейсмик рискини баҳолаш учун маълумотлар базасини сейсмологик, муҳандис-геологик ва бино-иншоотларни муҳандислик

кўрсаткичлари бўйича тўпланган маълумотларни қайта ишлаш, бошқариш ва таҳлил қилиш асосида яратиш.

Жиззах вилоят ҳудудида қурилган биноларнинг эҳтимоли юқори бўлган сейсмик таъсир натижасида шикастланиши миқдорий кўрсаткичларда аниқланган ва улар асосида маълумотлар базаси тайёрланган. Бунга кўра сейсмик хусусияти бўйича II тоифа грунтлар тарқалган ҳудудлар учун эҳтимоли T=500 йил бўлган сейсмик таъсирда темирбетон конструкцияли биноларнинг 0,4%, ёғочли 3,5%, пишиқ ғишт 4%, хом ғишт 12% талафотланади; T=1000 йиллик сейсмик таъсирда темирбетон 11%, ёғочли 20%, пишиқ ғишт 24%, хом ғишт 43%; T=2500 йиллик таъсирда: бетон -21%, ёғочли -34%, пишиқ ғишт - 40%, хом ғишт - 64%. III тип грунтлар учун T=500 йилда: темирбетон -0,5%, ёғочли - 5,5%, пишиқ ғишт - 7,5%, хом ғишт 16%; T=1000 йиллик таъсирда: темирбетон - 8%, ёғочли - 26%, пишиқ ғишт - 33%, хом ғишт 54%; T=2500 йил: темирбетон - 13%, пишиқ ғишт - 46%, ёғочли -55%, хом ғишт -78% бинолар шикастланиши баҳоланди ва маълумотлар базасига киритилди.

Диссертациянинг «**Сейсмик рискни регионал даражада баҳолашнинг ГИС технология асосида дастурий таъминоти**» деб номланган тўртинчи бобида маълумотлар комплексни таҳлилининг ГИС технологияси асосида дастурий таъминоти, «SeismicRiskAssessment» дастурий комплекснинг ташкилий қисми ва қўллаш тамоиллари, сейсмик рискни регионал миқёсда баҳолашда «SeismicRiskAssessment» дастурий комплексининг самарадорлиги, Жиззах вилояти аҳоли пунктлари учун сейсмик рискни баҳолаш натижаларини хариталаштириш келтирилган.

Геоахборот тизими (ГИС) - бу геоахборот маълумотларни бошқариш, таҳлил қилиш ва намойиш қилиш тизимидир. ГИС оддий, умумлаштирилган тизимли маълумотлар орқали геоахборот муҳитни моделлаштирадиган бир қатор географик маълумотлар тўпламлари сифатида намойиш этилади.

Минтақавий миқёсда кучли зилзилаларнинг талафотларини тезкор баҳолаш комплекс «SeismicRiskAssessment» дастури муҳандис-геологик шаротини ва сейсмик тебраниш кўрсаткичларини эпицентрал зонадан масофа бўйича сўнишини ҳисобга олган ҳолда ҳудудларнинг сейсмик интенсивлигини аниқлаш, турли конструктив турдаги биноларнинг сейсмик заифлигини, шунингдек 6, 7 ва 8 баллик сейсмик таъсирдаги талафотларини баҳолаш ва минтақавий миқёсдаги кучли зилзиланинг иқтисодий оқибатларини ҳисоблаш имконини беради. Дастурий таъминот 5 та асосий: «SeismicHazard_UZ», «INTensity_Mapv3.0», «1C» бино-иншоотлар кадастр маълумотлари базаси, «GESI_Program» ва «Yandex» платформадан иборат.


Мазкур комплекс дастурнинг бевосита белгиланган дастурий таъминоти билан ўзвий боғлиқ равишда таснифланади, ҳамда «SeismicRiskAssessment» дастурининг ташкилий қисмлари сифатида унга қўйилган мажмуали ишларнинг у ёки бу жиҳатларини тизимлаштирилади. Бу дастур бир қанча комплекс платформалардан ташкил топган бўлиб, ҳудудда мавжуд бўлган

бино ва иншоотларни кадастр маълумотлари бўйича ўзининг базасига юклаш имконига эга.

Кучли zilzila содир бўлган тақдирда минтақадаги аҳоли пунктларининг тўғридан-тўғри иктисодий зарарлари баҳоланади.

Ушбу комплекс дастур бўйича олинган маълумот кучли zilzilalar оқибатларини юмшатиш учун профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва кучли zilzila бўлган тақдирда инсонларни тезкор қутқарув тадбирларини тайёрлаш имконини беради.

Баҳоланган иктисодий зарарлар *.xlx форматида қийматлар кўринишида, ҳамда зарар кўлами *.jpg форматидаги харита кўринишларида акс этади.




1 – аэрокосмик сурат; 2 – сейсмоген зоналар ва кучли zilzilalarнинг эпицентрлари; 3 – гидрографик асослар; 4 – Ер ости сув сатҳини чуқурлиги; 5 – ҳудуднинг муҳандис-геологик шароити; 6 – сейсмик жадалликни грунт шароитини бўйича орттирмаси; 7 – содир бўлган кучли zilzilalarдаги талафотларнинг назарий изосейстлар, яъни ажратилган талафот зоналари; 8 – инфратузилма объектлар (дахалар, автомобил ва темир йўллар, кўприк ва б.қ.); 9 – бино ва иншоотларнинг кадастр маълумотлари (географик ўрни, конструктив кўрсаткичлари); 10 – сейсмик рискни миқдорий баҳоланган харитаси; 11 – бино ва иншоотларни конструктив тури бўйича 6, 7 ва 8 баллик zilzilalarда талафотланиш кўрсаткичи.

1-расм. ГИС технологиясининг тематик қатламлар модели (комбинация тизими).

Қуйидаги 2-расмда 6, 7 ва 8 балл даражасида сейсмик таъсир остида бўлган ҳар хил турдаги бинолар учун Жиззах вилоятининг аҳоли пунктларида сейсмик рискни минтақавий тақсимлаш натижалари келтирилган.

Шуни таъкидлаш керакки, 386 та аҳоли пункти бўйича олинган натижалар Жиззах минтақасининг сейсмик хавфи хилма-хиллигининг оғирлик спектрини акс эттиришга имкон бермайди. Шу муносабат билан схематик хариталарда фақат вилоят марказлари намойиш этилади. Қолган аҳоли пунктлари учун сейсмик рискни баҳолаш умумлаштирилган.



2-расм. Зилзила сценариясининг назарий изосейстлари («SeismicRiskAssessment» дастури асосида ҳисобланган).

Кучли зилзила содир бўлган тақдирда аҳоли пунктларидаги тўғридан-тўғри иқтисодий зарар баҳоланади. Кучли зилзилаларнинг оқибатларини юмшатиш учун профилактика чораларини ишлаб чиқилади ва тезкор қутқарув тадбирларига тайёргарлик оперативлаштирилади. Баҳоланган иқтисодий зарар *.xlx форматдаги қийматлар ҳамда, зарар кўлами акс этган *.jpg форматдаги харита кўринишларида акс этади (1-жадвал).

Сейсмик зарарни тўғридан-тўғри баҳолаш мумкин, яъни биноларни тиклаш харажатларининг ҳақиқий нархини баҳолаш ва шикастланишга яроқлилигини сифатли баҳолаш асоси билан белгиланади. Ушбу тадқиқот натижаларида биноларнинг шикастланиши билан боғлиқ зарарлар таъмирлаш ишларининг нархига қараб баҳоланади.

Талафотланиш ҳолатининг қуйидаги кўрсаткичлари билан белгиланади:

1. Жорий таъмирлаш даражасидаги талафотланиш (таъмирлаш харажатлари бинонинг баланс қийматидан 15% гача бўлган).
2. Капитал таъмирлаш даражасидаги талафотланиш (таъмирлаш харажатлари бинонинг баланс қийматидан 35% гача бўлганда).
3. Қайта тиклаш (бино ва иншоотларни қайта тиклаш учун сарфланадиган харажатлари баланс қийматининг 55% гача бўлганда). Таъкидлаш жоизки, тиклаш масаласи махсус комиссия томонидан ҳал қилинади.
4. Бинонинг бузилиши (бино ва иншоотларни қайта тиклаш учун сарфланадиган харажатлар баланс қийматининг 55% юқори бўлганда ва бузилиши зарурлиги қабул қилинганда).

Сейсмик жадаллиги 6, 7 ва 8 балл бўлган кучли zilзилаларда Жиззах вилояти худудида қурилган турли конструктив турдаги биноларни талафотланиш ҳажми, умумий сонига нисбатан %

Бино турлари	Талафотланиш даражалари	Сейсмик интенсивликда қурилишга етказилган зарарнинг ҳажми,%		
		6 баллда	7 баллда	8 баллда
А	0	-	-	-
	1	80,5	0,8	-
	2	19,5	99,2	-
	3	-	-	38,3
	4	-	-	61,7
Б	0	64,0	-	-
	1	36,0	52,5	0,3
	2	-	47,5	99,7
	3	-	-	-
	4	-	-	-
В	0	100	-	-
	1	-	80,5	4,5
	2	-	19,5	95,5
	3	-	-	-
	4	-	-	-
С	0	100	-	-
	1	-	94,7	32,0
	2	-	5,3	68,0
	3	-	-	-
	4	-	-	-

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, сейсмик таъсирларга нисбатан энг заиф қурилиш материалларидан бири бу «гувалак», «хом ғишт» ва «пахса» каби қурилган А типдаги бинолар ҳисобланади. Баҳоланган маълумотларга кўра, таъсирлари 7 ва ундан ортиқ балл бўлган сейсмик тебранишларда ушбу турдаги биноларга энг катта зарар етказилиши кузатилади.

Диссертациянинг «Сейсмик рискни камайтириш ва бошқариш чора тадбирлари» деб номланган бобида маҳаллий бошқарув органлари ва тезкор қутқарув отрядларининг ҳаракатланиш функциялари, сейсмик рискни камайтириш учун тавсиялар келтирилган.

Кучли zilзилалар даврида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича давлат тизимининг самарали сценарийсини ишлаб чиқиш учун давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг асосий функцияларини белгилаш зарур. Бунда zilзила оқибатларини бартараф

этишнинг асосий бошқарув органларидан бири вилоят ҳокимликлари раҳбарлари ҳисобланади ва улар қуйидаги энг муҳим тадбирларни амалга оширишлари лозим:

- аҳоли орасида қўрқув, саросима ва тартибсизликни ҳукм сурмаслиги учун жойларда ўрнатилган қонунлар ва тавсиялар асосида тинчликни сақлаш ва қутқарув тадбирларига аҳолини жалб қилиш;

- маҳалла аҳолисининг ҳақиқий сони ва яшаш манзиллари тўғрисида маълумот бериш;

- шошилиқ қутқарув ишларида, шу жумладан вайроналар остида ҳалок бўлганлар ва ярадорларнинг аниқлашда ёрдам бериш учун маҳалла аҳолиси орасидан ишчи гуруҳларни тузиш;

- жабрланганлар ва эвакуация қилинганлар орасида ҳаётий зарур буюмларни тарқатишни ташкил қилиш;

- бузилган биноларни уй-жойга яроқлилигини баҳолаш ва бинони тиклаш учун материаллар ва пул маблағларини тақсимлаш масаласини ҳал қилиш мақсадида уларни текширишда фаол иштирок этиш;

- диний маросимларга мувофиқ ҳалок бўлганларнинг дафн маросимини ташкил этиш.

Зилзилалар оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ижтимоий ва иқтисодий талафотлар сабаблари ҳар хиллиги билан фарқланади. Зилзилаларга олдиндан тайёргарлик кўриш, зилзилалар вақтида ҳаракатланиш механизмларини ва бир қатор тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва уларга риоя қилиш қутиладиган талафотлар миқдорини сезиларли даражада камайтириш имконини беради.

Юқорида санаб ўтилган функциялар ва сценарийлардан оқилона фойдаланиш зилзила хавфини сезиларли даражада камайтиришга ёрдам беради ва кейинги фалокатда фойдали бўлади.

ХУЛОСА

Диссертация мавзуси бўйича қуйидаги асосий натижалар олинди:

1. ГИС технологиялари орқали сейсмик рискни баҳолашда регионал миқёсда грунт шароитини ва сейсмик тебранишларни масофа бўйлаб сўнишини ҳисобга олган ҳолда биноларга сейсмик таъсирни баҳолаш ва биноларни конструктив типга қараб сейсмик заифлигини ҳамда шикастланишни аниқлашда қўлланилган услублари регионал ҳудудларда зилзила талафотларини ишончли ва сифатли прогноз қилиш имконини беради.

2. Жиззах вилоятининг барча аҳоли пунктларида турли сейсмик жадаллик таъсирида (6, 7 ва 8 баллик) биноларнинг конструктив типлари бўйича бевосита талафотларини миқдорий баҳолаш учун яратилган маълумотлар базаси ҳудудда содир бўлиши мумкин бўлган кучли зилзилаларда талафотларни камайтириш дастурларини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

3. Жиззах вилояти ҳудудидаги барча аҳоли пунктларида қурилган биноларнинг аниқланган сейсмик заифлик функциялари ва турли сейсмик жадалликда шикастланиш даражалари бўйича йиғилган ҳамда тизимланган маълумотлар базасини мавжуд шахсий ва административ биноларни, шунингдек кўп қаватли турар жой биноларини ҳамда турли ижтимоий биноларни техник ҳолатини бўлган маълумотларни назарда тутувчи электрон техник паспортларни шакллантиришда қўллашга тавсия этилади.

4. Кучли zilzilalar содир бўлганда регионал миқёсдаги талафотларни аниқлашнинг автоматлаштирилган «SeismicRiskAssessment» компьютер дастури ГИС технологиялари асосида ишлаб чиқилди. Бу компьютер дастури юқори аниқликдаги бино ва иншоотларни кадастр маълумотлар базасини таҳлил қилиш асосида регионал ҳудудларда талафотларни автоматлаштирилган ҳолда аниқлаш имконини беради.

5. Ишлаб чиқилган «SeismicRiskAssessment» компьютер дастури Жиззах вилояти ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган кучли zilzilalar натижасида юзага келувчи бевосита талафотларни тезкорлик билан миқдорий баҳолаш имконини беради. Бунда иқтисодий зарарлар маъмурий ҳудудий тузилмалар (туманлар, аҳоли пунктлари ва маҳаллалар бўйича), zilzilанинг макросейсмик зоналари ва аниқ бино-иншоотларнинг жойлашган майдонлари бўйича аниқланади, ҳамда умумлаштирилган диаграмма ва жадваллар таризида тақдим этилади.

6. Кучли zilzila эҳтимолий талафотларини самарали бартараф этиш учун Жиззах вилояти мисолида ҳаракатлар тизими ишлаб чиқилди. Шу билан бирга эҳтимоли юқори бўлган сценарли zilzila содир бўлиши даврида Жиззах вилоятидаги барча аҳоли пунктларида юзага келиши мумкин бўлган тўғридан-тўғри зарарларни баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг оператив бошқариш бўлинмаларини режалаштиришда ва ташкил этишда, аҳоли ва ҳудудларни хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат тизими органлари учун тадбирлар режасини ишлаб чиқишда амалий фойдаланилади.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ГИДРОГЕОЛОГИИ И ИНЖЕРНОЙ
ГЕОЛОГИИ**

ИНСТИТУТ СЕЙСМОЛОГИИ

АКТАМОВ БЕКЗОД УКТАМОВИЧ

**КАРТОГРАФИЧЕСКАЯ МОДЕЛЬ ОЦЕНКИ СЕЙСМИЧЕСКОГО
РИСКА РЕГИОНАЛЬНОГО УРОВНЯ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ГИС-
ТЕХНОЛОГИЙ (НА ПРИМЕРЕ ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ)**

04.00.04 – Гидрогеология и инженерная геология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером V2019.4.PhD / T1411.

Диссертация выполнена в Институте сейсмологии.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.hydroengeo.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).


Научный руководитель:	Исмаилов Вахитхан Алиханович. доктор геолого-минералогических наук
Официальные оппоненты:	Джуманов Джамолжон Худайкулович доктор технических наук, профессор Аимбетов Иззет Каллиевич доктор технических наук
Ведущая организация:	Ташкентский государственный технический университет имени Ислама Каримова

Защита диссертации состоится «30» июня 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании разового Научного совета на основе Научного Совета DSc.24/30.12.2019.GM.96.01 при Института гидрогеологии и инженерной геологии по адресу: 100041, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru.

С диссертацией можно ознакомиться в библиотеке Института гидрогеологии и инженерной геологии (зарегистрирован под номером 49). (Адрес: 100041, г. Ташкент, ул. Олимлар, 64. Тел.: (+99871) 262-75-92; факс: (+99871) 262-62-15, e-mail: gidro_ilmkeng@mail.ru

Автореферат диссертации распространен «17» июня 2021 года.

(Протокол реестра № 04 от «18» мая 2021 года).


А.А. Мавлонов
Заместитель председателя разового
Научного совета по присуждению
ученых степеней, д.г.-м.н.
М.Р. Жўраев
Ученый секретарь разового Научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.г.-м.н. (PhD)
И.Х. Хабибуллаев
Председатель разового Научного семинара
при разовом Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировой практике вопросы прогнозирования возможных потерь в результате сильных землетрясений в сейсмически активных районах и снижения последствий землетрясений имеют большое значение. В связи с этим принимаются меры по оценке сейсмического риска путем проведения комплексных исследований и составления прогнозов на установленные сроки, по снижению последствий землетрясений. Исследования по оценке ожидаемых экономических потерь при землетрясениях служат устойчивому социально-экономическому развитию государств с высоким сейсмическим риском.

В развитых странах мира проводятся ряд научных исследований связанные с оценкой сейсмического риска. В частности, создание сейсмотектонических и сейсмологических моделей регионов различного масштаба, оценка сейсмического риска с учетом их грунтовых условий, совершенствование методологии определения степени повреждения зданий и сооружений при сильных землетрясениях и составление функций уязвимости в соответствии с их конструктивным типом, создание моделей системы «грунт-строительное сооружение» при сейсмических колебаниях. Такой научный подход позволяет оценить сейсмический риск в региональном масштабе и определить магнитуду в автоматизированном состоянии при возникновении сильных землетрясений.

В сейсмически активных регионах нашей страны ведется работа по оценке сейсмического риска для региональных территорий. В частности, на разных уровнях детальности, сейсмический риск оценен для территории Ташкента, Джизака и Бухары. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставит задачи «... обеспечение того, чтобы люди жили в экологически безопасной среде ...»². В связи с этим оценка сейсмического риска в регионах на основе сценарных землетрясений имеет большое научное значение с учетом сейсмической опасности, состояния грунта, возможных сейсмических воздействий, увеличения сейсмической интенсивности, законов затухания сильных землетрясений по расстоянию.

Данная диссертационное исследования в определённой степени служит выполнению задач, предусмотренных Указов Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», 1 июня 2017 г. № ПФ-5066 «О мерах по коренному повышению эффективности системы предупреждения и ликвидации чрезвычайных ситуаций» и Постановлений Президента Республики Узбекистан от 9 августа 2017 г. № ПП-3190 «О мерах по дальнейшему совершенствованию проведения научных исследований в области сейсмической безопасности, сейсмического строительства и сейсмологии территории и населения Республики

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Узбекистан», от 30 июля 2020 года № ПП-4794 «О мерах по коренному совершенствованию системы сейсмической безопасности населения и территории Республики Узбекистан» и других нормативно-правовых актов, относящиеся к данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в соответствии с требованиями VIII приоритетного направления развития науки и технологий республики «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. Термин «сейсмический риск» в научно-технической литературе трактуется по-разному. Согласно определению, введенному в 2001 году Организацией ООН по оказанию помощи в случае стихийных бедствий (UNDRO), сейсмический риск - вероятность социально-экономического ущерба от возможных землетрясений в соответствии с расчетной сейсмической опасностью территории и уязвимостью строительных и природных объектов. Это определение признано и поддерживается многими странами по всему миру.

